

Ўзбекистон Республикаси номидан
Х У К М

2024 йил июнь ойининг 7 куни жиноят ишлари бўйича Миробод туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида,

Раислик этувчи судья: Р.Рахманов, судья ёрдамчиси И.Хидировнинг суд мажлиси баённомаси юритувида, тарафлардан Миробод туман прокурори ёрдамчиси Г.Ҳайдарова, судланувчи XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX, жабрланувчи XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXларнинг иштирокида, Ш.Махмудованинг таржимонлигида, XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXга оид 1-1002-2404/316-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш хужжатларига кўра,

XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX, 2004 йил 21 март куни Қашқадарё вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти тугалланмаган олий, Тошкент Молия институти 2-босқич талабаси, вақтинча ишсиз, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, Қашқадарё вилояти, Гузор тумани, Чаноқ МФЙ, Туркистон кўчаси, рақамсиз уйда яшаган, иш бўйича “шахсий кафиллик” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 166-моддаси 2-қисми “в” банди ва 227-моддаси 2-қисми “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд далилларга баҳо бериб, қўйидагиларни

а н и қ л а д и:

XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX 2024 йил 14 январь куни ўзганинг мулкани очикдан-очик талон-торож қилиш мақсадида, жинойи шериклари, мазкур ҳолат юзасидан жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 2024 йил 15 апрелдаги ҳукми билан судланган XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX ва XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXлар билан олдиндан тил бириктириб, ўзига аввалдан таниш бўлмаган Қозоғистон Республикаси фуқароси XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX билан танишиб қолиб, у билан биргаликда спиртли ичимликлар истеъмол қилиб, сўнг яна спиртли ичимликлар истеъмол қилишни давом эттириш мақсадида Миробод тумани, Авлиёота кўчасида жойлашган “Сой” номли умумий овқатланиш муассасаси орқа тарафига келганларида, XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXнинг аҳволи оғирлашганидан фойдаланиб, унинг елкасида бўлган “Nike” номли сумкасини очикдан-очик талон-торож қилиб, воқеа жойидан яшириниб,

Хужжат имзоланган: Рахманов Рустамжон Нуъманович, 01.07.2024



XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXнинг “Nike” номли сумкасининг ичида бўлган 2.500.000 сўм пул, нархи 4.000.000 сўм бўлган эркаклар узуги, нархи 330 АҚШ доллари бўлган “Airpords” номли мусиқа эшитиш мосламасини жиноий шериклари XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX ва XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXлар билан ўзаро тақсимлаб олиб, пулларни шахсий манфаатлари учун ишлатиб юборган.

Судланувчи XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX судда, айбига қисман иқрорлик билдириб қуйидагиларни, яъни 2024 йил 14 январь куни танишлари XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX ва XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXлар унга қўнғироқ қилиб, Яшнобод тумани, “Авиасозлар” бозори олдида эканликларини, шу жойда озроқ муаммо бўлганлигини, боришни сўраганида, у ерга етиб борганида, XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX ва XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолатда бўлганларини, сўнг XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX уни хазил тариқасида синаб кўриш учун чақирганлигини айтиб, ҳаммаси жойида эканлигини маълум қилганлигини, сўнг XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX ва XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXлар бирга улар вақтинча яшаётган Мирзо Улуғбек тумани, Тўртарик кўчаси, 34-уйга боришларини айтганларини, улар билан мазкур манзилга борганларини, у ерда XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX ва XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX ўша жойда жойлашган дўкондан спиртли ичимлик сотиб олиб, ундан ҳам мазкур спиртли ичимлик учун нимадир олиб беришни сўраганларини, у дўкондан колбаса олганлигини, колбаса олиб чиққанида, XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX ва XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXлар XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX билан ўзаро суҳбатлашганларини, у чиққанида XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX уни ҳам кучоқлаб олганлигини, XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXга биргаликда спиртли ичимлик истеъмол қилишни таклиф қилганлигини, ўша ерда спиртли ичимлик истеъмол қилганларини, XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXга озроқ тепарокда жой борлигини айтиб, шу ерда спиртли ичимлик истеъмол қилишни таклиф қилганлигини, сўнг XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXга пул бериб, яна спиртли ичимлик олиб келишни айтганлигини, шу вақтда XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX янада яхшироқ жойга бориб, байрамни давом эттиришни айтганлигини, шу вақтда XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX ва XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX караокега боришларини айтганларини, у ўз телефони орқали “Яндекс” такси чақирганлигини, ўзи автомашинанинг олди ўриндиғига ўтирганлигини, автомашина орқа ўриндиғининг ҳайдовчи орқасига XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX, ўртада XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX, чеккада XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX жойлашганларини, улар Миробод

Ҳужжат имзоланган: Раҳманов Рустамжон Нуъманович, 01.07.2024



тумани, “Сой” номли кафе яқинига борганларида, XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXнинг мазаси қочиб қолганлиги учун автомашинани тўхтатганларини, XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX, XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX ва XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX автомашинадан тушганларини, XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX қайд қилишга ҳаракат қилаётганида унинг елкасида бўлган сумкани XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX юлиб олиб, қочиб кетганлигини, у ҳам қочганлигини, орадан озроқ вақт ўтиб, XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX унга кўнғироқ қилиб, улар кетган жойдан озроқ узокроққа келишни айтганлигини, ўша вақтда XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXдан олиб қочган сумкани ичидаги пуллардан унга ҳам 560.000 сўм бериб, мазкур пул билан ушбу масала ёпилганлигини ҳамда бошқа ҳеч нарса демаслигини айтганлигини, у рози бўлганлигини ва у ердан кетиб қолганлигини, эртаси куни XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX унга кўнғироқ қилиб, XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXнинг сумкасида ўзига тегишли сумкаси ҳамда шахсни тасдиқловчи ҳужжатлар борлигини айтиб, нима қилишни сўраганида, унга мазкур ҳолатни ўзи билишини, нима қилса қилишини айтганлигини ва телефонни ўчириб қўйганлигини, шу билан XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX билан ҳам XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX билан ҳам гаплашмаганлигини, XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXнинг ҳужжатлари ва “airpords” ҳақида тергов давомида билганлигини, суд мажлисида жабрланувчи XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX ва XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXлар сўроқ қилинганидан сўнг XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXнинг ҳамёни ва сумкасини яшириб қўйганини ҳамда ушланганидан сўнг милиция ходимларига яширган жойдан олиб берганлигини билганлигини, XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXнинг сумкасида ҳужжатлари бўлганлиги ва бу ҳужжатлар яширилганидан хабари бўлмаганлигини, ўзини ўғирланган сумкадаги пуллардан бир қисми унга берилганида олганлигида айбдор деб билишини, лекин XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX ва XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX билан жиноят содир этиш тўғрисида келишув бўлмаганлигини, улар билан тил бириктирмаганлигини, уни оилавий ва моддий шароитини инобатга олиб, унинг ҳаракатларига тўғри ҳуқуқий баҳо бериб, адолатли қарор қабул қилишни сўраб кўрсатувлар бериб ўтди.

Суд мажлисида жабрланувчи XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX куйидагиларни, яъни 2024 йил 14 январь куни кафедан чиқиб уйга бормоқчи бўлганида, яқин орада турган XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX, XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX, XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXлар олдига борганлигини, кейин улар билан биргаликда спиртли ичимлик истеъмол қилганини, XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXга 100.000 сўм бериб, яна ичиш учун

Ҳужжат имзоланган: Раҳманов Рустамжон Нуъманович, 01.07.2024



спиртли ичимлик олиб келишини айтганини, XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX дўконга бориб, спиртли ичимлик олиб келганини, улар биргаликда мазкур спиртли ичимлигини истеъмол қилганларини, сўнг XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX Чилонзор туманида жойлашган бошқа ресторанга бориб ўтиришни ҳамда Тошкент шаҳрини кўрсатишини айтиб, телефони орқали такси чақирганини, у автомашинанинг орқа тарафига ўтирганини, уни икки томонига эса XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX ва XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX ўтирганини, улар Миробод тумани, Авлиёота кўчаси “Сой” ресторанининг орқа тарафига тўхтаганларини, автомашина тўхтаганида XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX уни елкасида бўлган сумкани олиб, қочиб кетганини, унинг кетидан XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX ҳамда XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX ҳам қочиб кетганларини, улар ҳар хил томонга қочиб кетганлиги сабабли уларни орқасидан югура олмаганини ҳамда 3 кун улар “Найк” русумли сумкасини ҳамда мазкур сумка ичида бўлган ҳужжатларини қайтаришларини кутганини, лекин улар нарсаларини қайтармагандан сўнг ички ишлар идорасига мурожаат қилишга мажбур бўлганини, тергов даврида ҳужжатлари бутун ҳолда қайтариб берилганлигини, ҳозирда унга етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, судланувчи XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдириб, суддан XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXга енгилроқ жазо тайинлашни ёхуд жазодан озод қилишни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисида гувоҳ XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX куйидагиларни, яъни 2024 йил 14 январь куни танишлари XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX ва У.Ўралов билан спиртли ичимликлар истеъмол қилаётганида, XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX билан танишиб қолганларини, сўнг биргаликда спиртли ичимликлар истеъмол қилганларини, сўнг яна спиртли ичимликлар истеъмол қилишни давом эттириш мақсадида Миробод тумани, Авлиёота кўчасида жойлашган “Сой” номли кафенинг орқа тарафига борганларида, XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXнинг маст бўлиб қолганлигидан фойдаланиб, унинг елкасида бўлган “Nike” номли сумкасини олиб, XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX воқеа жойидан қочиб кетганини, уни орқасидан улар ҳам қочишганлигини, сўнгра учрашиб XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXдан сумкани олишганлигини, сумкани очиб қараганда, мазкур сумкада “кошелек” борлиги, унинг ичида 2.100.000 сўм пул ва турли хил ҳужжатлар бўлганлигини, XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX пулларни 700.000 сўмдан бўлиб берганини, сумка унда қолгани учун у мазкур сумкани отиб юборганини, кошелёкни ўзи билан олиб қолганини, сўнг вақтинча яшаётган хонадонга бориб ухлаганини, эртаси куни XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXга тегишли кошелёкдаги ҳужжатлардан унинг Қозоғистон Республикаси фуқароси эканлигини билганини, кошелёкни поезд йўлининг четига олиб бориб яшириб қўйганини, шу билан ишини давом эттирганини, 2024 йил 18



январь куни у Қашқадарёга кетганини, 2024 йил 20 январь куни уни ИИО ходимлари чақирганлиги учун уларнинг олдига бориб, ҳолат юзасидан тушунтириш хати ёзиб, ўзи яшириб қўйган кошелёкни такдим қилганини.

Суд мажлисида гувоҳ XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX гувоҳ XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXнинг кўрсатувларига ўхшаш кўрсатув берди.

Суд, давлат айбловчисини хулосасини, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини эшитиб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXнинг юқоридаги ҳолатларда жиноят содир этганликдаги айби XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXнинг аризаси ва тушунтириш хати, нарсани олиш ва ихтиёрий топшириш баённомаси, юзлаштириш баённомаси, кўрсатувларни воқеа жойида текшириш баённомаси, нарсани кўздан кечириш баённомаси, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш қарори ҳамда жиноят ишидаги бошқа далиллар билан тўлиқ исботланган деб топади.

Суд, судланувчи XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXнинг суд мажлисидаги XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX ва XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX билан жиноят содир этиш тўғрисида келишув бўлмаганлиги, улар билан тил бириктирмаганлиги тўғрисидаги важларига ҳуқуқий баҳо бериб, унинг бу важларини асосиз, у томонидан содир этган жинояти учун қонунда белгиланган жавобгарликдан қутулиш мақсадида келтирилган деб ҳисоблайди.

Судланувчи XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXнинг важлари суд мажлисида сўроқ қилинган XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXнинг XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX Чилонзор туманида жойлашган бошқа ресторанга бориб ўтиришни ҳамда Тошкент шаҳрини кўрсатишини айтиб, телефони орқали такси чақиргани тўғрисидаги кўрсатувлари, гувоҳ XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX ва XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXнинг ўғирланган сумканинг ичидан чиққан пулларни ўзаро бўлишиб олганлари тўғрисидаги кўрсатувлари билан тўлиқ инкор этилади.

Суд, судланувчи XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериб, дастлабки тергов органи томонидан унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 227-моддаси 2-қисми “а” банди билан ортиқча айб эълон қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 22-моддаси 1-қисмида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шартлиги белгиланган.

Шу кодекснинг 455-моддасида, ҳукм қонуний, асосли ва адолатли бўлиши шартлиги; ҳукм қонуннинг барча талабларига амал қилинган ҳолда ва қонун асосида чиқарилган бўлса, қонуний деб эътироф этилиши; ҳукм ишнинг ҳақиқий ҳолатлари унда кераклигича тўла ва юз берганига ҳақиқатан монанд тарзда аниқланган бўлса, асосли деб эътироф этилиши; ҳукм айбдорга нисбатан жазо ёки бошқа таъсир чораси у содир этган жиноятнинг



ижтимоий хавфлилик даражаси ва унинг шахси эътиборга олиниб тайинланган бўлса, айбсиз шахс эса оқланган ва реабилитация этилган бўлса, адолатли деб эътироф этилиши; суд ҳукми фақат суд муҳокамасида текширилган далиллар билан асослаши; суднинг ҳукмида ифодаланган барча хулосалари асосланган бўлиши лозимлиги қатъий белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 227-моддаси 2-қисми “а” бандида паспорт ёки бошқа муҳим шахсий ҳужжатларни эгаллаш, уларни ғаразғўйлик ёки бошқа паст ниятларда яширганлиги учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Жиноят иши ҳужжатлари ва суд мажлисида аниқланган ҳолатлардан судланувчи XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX ва унинг шериклари XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX ҳамда XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXнинг мақсади жабрланувчи XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXнинг сумкасини талон-торож қилишга қаратилганлиги, кейинчалик XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXнинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини аниқлагач, улар солинган ҳамённи ташлаб юбормасдан, яшириб қўйганлиги ҳамда суриштирув даврида ИИО ходимларига такдим қилганлиги кўринадди.

Жабрланувчи XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX ўзининг кўрсатувларида тергов даврида ҳужжатлари бутун ҳолда қайтариб берилганлигини баён этган.

Бундай ҳолда, суд судланувчи XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXнинг айбловидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 227-моддаси 2-қисми “а” бандини ортиқча эълон қилинган деб чиқаришни лозим топади.

Бундан ташқари, суд тергов органи томонидан судланувчи XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 166-моддаси 2-қисми “в” банди, талончилик, яъни бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб ўзганинг мулкани очикдан-очик талон-торож қилишда ифодаланган аломатлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXга жазо тайинлашда унинг шахсини, муқаддам судланмаганлигини, Тошкент Молия институти 2-босқич талабаси эканлигини, оилавий шароитини, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси йўқлигини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз ниятларда содир қилганлигини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди.

Суд, судланувчи XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXга жазо тури ва миқдорини танлашда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7, 8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3



февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарори талабларидан келиб чиқиб, судланувчини шахсини, Тошкент Молия институти 2-босқич талабаси эканлигини, оилавий шароитини, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси йўқлигини, уни моддий ва оилавий аҳволини инобатга олиб, унга нисбатан айбли деб топилажак модда санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, уни тайинланган жазони ўтамасдан туриб ҳам хулқини назорат қилиш орқали тузатиш мумкин деган хулосага келиб, унга нисбатан ЖКнинг 72-моддасини қўллаб, жазони шартли ҳисоблаб ва синов муддати белгиланиши лозим топади.

Шунингдек, суд жиноят иши бўйича олинган ашёвий далиллар тақдири жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 2024 йил 15 апрелдаги ҳукми билан ҳал этилганлигини инобатга олишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471-473-моддаларига риоя қилиб, суд

ҲУКМ ҚИЛДИ:

XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 166-моддаси 2-қисми “в” бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топилсин.

XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 166-моддаси 2-қисми “в” банди билан билан 3 (уч) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 72-моддаси қўлланилиб, тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси шартли ҳисобланиб, 1 (бир) йил синов муддати белгилансин.

XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXнинг хулқи устидан назорат олиб бориш Қашқадарё вилояти Ғузор тумани ИИО ФМБ зиммасига юклатилсин.

XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXга синов даврида яшаш жойи ўзгариб қолса, бу ҳақида ўзи яшайдиган ИИО ФМБга хабар бериш, вақти-вақти билан келиб, бу органларда рўйхатдан ўтиб туриш, муайян жойларда бўлмаслик, муайян вақтда яшаш жойида бўлиш каби мажбуриятлар юклатилсин.

XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXга шартли ҳукмнинг талаблари бузилган тақдирда ЖКнинг 72-моддаси 6 ва 8 қисмларида юзага келадиган оқибатлар тушунтирилсин.

Синов муддати ҳукм чиқарилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXXга нисбатан қўлланилган “шахсий кафиллик” тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Жиноят иши юзасидан ашёвий далил тақдири жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 2024 йил 15 апрелдаги ҳукми билан ҳал этилганлиги инобатга олинсин.



Ҳукм устидан апелляция шикоят ва протест тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланган ва жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида Тошкент шаҳар суди апелляция судлов ҳайъатига, ҳукм қонуний кучга киргач эса кассация шикоти ва протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи:

имзо

Р.Раҳманов

нусха аслига тўғри.

